

## АРХАРЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ

### Йўлбошчи

#### Ҳикоя

Шовуллаб оқаётган сойдан таралаётган садолар гўёки теша билан чопилгандек тарам-тарам тик кўтарилган қояларга урилиб, сойнинг бошқа томонидаги баландлашиб борувчи ям-яшил, ўркакч-ўркакч қирлар узра тарқаларди. Лекин узоқларда виқор билан бўй чўзган салобатли тоғларнинг найзадек ўткир кумуш чўққиларига етмай, мусаффо тоғ хавосига сингиб кетарди. Шундай бўлса-да, бир янграб, сўнгра йўқ бўлиб кетадиган шовқинлардан фарқли ўлароқ, сой оқишдан тўхтамас экан, бу садолар ҳам бетиним янграб тураверади.

Сой бўйидан тикка кўтарилган тарам-тарам қоянинг энг чўққиси бўрининг бурнидек бўртиб чиққан бўлиб, худди шу жойда архар пайдо бўлди. У пастда шовуллаб оқаётган сой бўйига, қаршисидаги яшил чўққиларга диққат билан тикилди. Кўкда чарх ураётган икки нафар бургутга нигоҳ солди. Сўнг қоядан тушиб, ўз тўдасини оралади.

Адирларда шудринг қўнган майсаларни “қирт-қирт” узиб еяётган архарлар тўдаси ўтлаб юрарди. Улар орасида пўлатдек маҳкам, эгик шохларини боши узра қилич каби дадил тутганча салобатли қадам ташлаётган ҳайбатли архар ажралиб турарди. У бир чимдим майса узиб олиб чайнаб бўлгунга қадар безовта ва синчков нигоҳ билан атрофни кузатар, чакноқ, айни чоғда ғамгин, маъноли кўзларини узоқларга – тоғу тошларга тикканча, ҳар бир шовқинга диққат билан қулоқ тутарди.

Архар яна адир четидаги қоя устида пайдо бўлди, ўткир нигоҳи пастдаги кичик ариқчадек кўринган сой қирғоқларига, сўнг қирлар оша элас-элас кўринаётган одамлар яшаётган қишлоқларга қадалди. Бирор хавф-хатар йўқмикан дегандек, пастда тошдан-тошга урилиб шовуллаб оқаётган сой шовқинига қулоқ тутди, устки лаблари хиёл кўтарилган тумшуғини олдинга чўзиб, шамол олиб келаётган исларни фарқлашга уринди. Ҳеч қандай хатар сезмагач, бошини мағрур тутиб, силкиниб юнгларига ёпишган хас-чўпларни қоқди. Тепасида чарх ураётган бургутлар доира ясаб тўдадан узоқлашгач, қоядан тушиб, адир четидаги усти яссиланиб қолган тошлардан бирига чўзилди. Шу топда иккита ёш бақувват архар тўда чеккасига ўтиб пойлоқчилик ўрнини эгаллашди. Улар тўдани хавф-хатардан огоҳ этишлари лозим. Зотан, архарларнинг ҳам ўз яшаш қонунлари бор эди...

У қачон ўзида журъат сезиб, йўлбошчи бўлганини эслолмайди. Унинг ўтмиши ҳам, қозирги куни ҳам биргина мезон – ҳаракат қила олиш, ўсиш, улғайиш билангина ўлчанар, фақат ундаги куч-қувват ҳаракат қилишга, нимадандир қочишга, ниманидир еб кун кўришга, авлод қолдиришга ундовчи ягона омил эди.